

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САЛИМОВА ИРОДА МАМАЮСУФОВНА

**ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ
(НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ)**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи.
Ҳакамлик жараёни ва медиация

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Салимова Ирода Мамаюсуфовна

Иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги (назарий-ҳуқуқий ва процессуал жиҳатлари).....3

Салимова Ирода Мамаюсуфовна

Подведомственность экономических споров (теоретико-правовые и процессуальные аспекты).....23

Salimova Iroda Mamayusufovna

Jurisdiction of economic disputes (theoretical-legal and procedural aspects).....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САЛИМОВА ИРОДА МАМАЮСУФОВНА

ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ
(НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ)

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи.
Ҳакамлик жараёни ва медиация

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Yu132 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эсанова Замира Нормуратовна
юридик фанлар доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Расмий оппонентлар:

Самарходжаев Батыр Билялович
юридик фанлар доктори, профессор
Олимова Камила Камалитдиновна
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» мартдаги соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (911-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «б» март куни тарқатилди.

(2020 йил «б» мартдаги 15-рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Д.Ю.Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

Н.Ф.Имомов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда судлар фаолиятида, хусусан, процессуал ҳуқуқ назарияси ва амалиётида тааллуқлилиқ институти ва уни белгилаш мезонларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Бунда низоларнинг айнан қайси судлар томонидан кўриб ҳал қилиниши ҳамда низоларни судга қадар ҳал қилиш ваколати берилган органларнинг ишни кўриш усуллари ва тартибини ўрганиш муҳим ўрин тутди. Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш – 2020» ҳисоботида баҳоланган 11 та кўрсаткичдан бири айнан «шартномалар ижросини таъминлаш» (enforcing contracts) эканлиги, ушбу кўрсаткичнинг муҳим таркибий қисми сифатида эса «суд ишларини юритиш сифати» (quality of judicial processes index) белгиланганлиги ҳам шундан далолат беради¹.

Дунё миқёсида иқтисодий низоларни ҳал қилишда судлар ваколатини аниқ белгилаш, унинг процессуал механизмларини янада такомиллаштириш, ишнинг тааллуқлилигини белгилашда суд ва бошқа органлар ваколатлари чегарасини тўғри аниқлаш, бу борада тадбиркорлар, жумладан, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ҳар томонлама қулай процессуал имкониятлар яратиш, шунингдек соҳа ривожига ҳисса қўшадиган илмий тадқиқотлар олиб боришни кучайтириш зарурияти мавжуд.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг ягона Олий судга бирлаштирилиши, маъмурий судларнинг ташкил этилиши, фаолият юритаётган хўжалик судларининг иқтисодий судлар этиб ўзгартирилиб, 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилиши, иқтисодий низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида фойдаланилиши, ишларни кўришнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинишига қарамасдан, иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар кўрсаткичи тобора ортиб бормоқда. Жумладан, статистик маълумотларга асосан, республикаимизда иқтисодий судлар томонидан 2016 йилда 305 934 та, 2017 йилда 329 214 та иш кўрилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 384 788 та ишни ташкил қилди². Бу, ўз навбатида, иқтисодий низоларнинг тааллуқлилигига оид моддий ва процессуал нормаларни қайта кўриб чиқиш, суд амалиёти материалларини таҳлил қилиш ва бу борада хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш орқали иқтисодий судларга тааллуқли ишларни янада соддалаштиришга қаратилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни қонунчиликка киритиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (2018), Фуқаролик процессуал кодекси (2018), Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (2018), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017),

¹ <https://www.doingbusiness.org/en/reports/global-reports/doing-business-2020>.

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 11 июндаги 07/19-128-сон маълумотномаси.

«Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз иқтисодий процессуал ҳуқуқида иқтисодий низоларнинг тааллуқлилигининг назарий-ҳуқуқий ва процессуал жиҳатлари махсус монографик тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бироқ тадқиқот мавзусининг у ёки бу жиҳатлари фуқаролик процессуал ҳуқуқи, шунингдек иқтисодий процессуал ҳуқуқи доирасида мамлакатимиз олимларидан Ш.Ш.Шорахметов, Э.Э.Эгамбердиев, С.А.Якубов, О.Окюлов, М.К.Азимов, Ш.Н.Рўзиназаров, Ф.Х.Отахонов, Х.В.Бурханходжаева, Б.Б.Самарходжаев, Х.Т.Азизов, М.М.Мамасиддиқов, З.Н.Эсанова, Д.Ю.Хабибуллаев, Ф.Б.Ибратова, Ш.М.Масадиков, С.Ф.Иноятова, К.К.Олимова, Қ.С.Авезов¹ ва бошқа ҳуқуқшунос олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган.

Тааллуқлилик институтига оид айрим муаммолар МДХга аъзо давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Хусусан, И.И.Стрелкова «Иқтисодий низолар бўйича ишларни ва бошқа ишларнинг арбитраж судларига тааллуқлилиги»², Ф.Р.Гаджиева «Арбитраж судларининг компетенцияси: назария ва амалиёт муаммолари»ни³, И.Л.Бурова «Ишларнинг арбитраж судларига тааллуқлилиги»⁴ масалаларини комплекс тадқиқ этган. Бундан ташқари, В.В.Ярков, М.К.Треушников, К.А.Чудиновских, В.С.Алисултанов, М.В.Боровский, С.И.Князькин, И.А.Юрлов, П.В.Бахарев, Ю.А.Борзенко каби олимларнинг илмий ишларида иқтисодий низоларнинг тааллуқлилик масалалари муайян даражада ёритилган.

Хорижий мамлакатларда тааллуқлилик институтининг назарий ва процессуал жиҳатлари Z.S.Al-Herbish, Steven L. Emanuel, Lukasz Rozdeiczner, Alejandro Alvarez de la Campa, Hillel Y. Levin, Joseph W. Glannon⁵ асарларида ўрганилган.

¹Хўжалик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. Монография. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. О.Окюлов. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 177 б; Iqtisodiy protsessual huquq. Darslik / Mas'ul muharrir y.f.d. Z.N.Esanova. – Т.: TDYU, 2018. – 518 б. Ушбу ва бошқа олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

²Стрелкова И.И. Подведомственность арбитражному суду дел по экономическим спорам и иных дел: дис. канд. юрид. наук: 12.00.15. – М.: РГБ, 2003. – 217 с.

³Гаджиева Ф.Р. Компетенция арбитражных судов: проблемы теории и практики: автореф. дис. канд. юрид. наук: 12.00.15. – Саратов, 2010. – 22 с.

⁴Бурова И.Л. Подведомственность дел арбитражным судам: дис. канд. юрид. наук: 12.00.15. – СПб., 2005. – 186 с.

⁵Ушбу ва бошқа олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва А2-018 «Фуқаролик ва хўжалик суд ишларини юритиш бўйича процессуал ҳужжатлар ва уларни расмийлаштиришнинг назарий-амалий масалалари» ҳамда ПЗ-20170927453 «Суд қарорларини мажбурий ижро этиш механизмини янада такомиллаштириш масалалари (фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва жиноят ишлари мисолида)» номли амалий грант лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодий низоларнинг тааллуқлилигини белгилашга доир қонунчиликни такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тааллуқлилиқ тушунчаси ва унинг бошқа ҳуқуқий категориялар билан ўзаро нисбатини аниқлаш;

тааллуқлилиқ турлари ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш;

иқтисодий процессуал ҳуқуқида тааллуқлилиқ институтининг ривожланишини ўрганиш;

иқтисодий судларга тааллуқли низоларнинг ҳуқуқий табиатини тавсифлаш;

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низоларнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш;

маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низоларни таҳлил қилиш;

иқтисодий низоларнинг тааллуқлилигини белгилаш мезонларини аниқлаш;

иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатларини тадқиқ қилиш;

ўзаро боғлиқ бирлаштирилган талабларга нисбатан тааллуқлилиқ қоидаларини қўллаш муаммоларини ўрганиш ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодий судларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш, суд амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тааллуқлилиқ қоидаларини қўллаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган.

Тадқиқотнинг объекти иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги билан боғлиқ процессуал ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги билан боғлиқ процессуал-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихийлик, тизимли таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, социологик сўров, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар иқтисодий судларга тааллуқли бўлган ишларнинг алоҳида тоифасини ташкил қилиши асослантирилган;

чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар иқтисодий судларга тааллуқли ишлар доирасига кириши асослаб берилган;

фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришда медиация тартиб-таомилини қўллаш тарафларнинг ёзма келишувига асосан суд ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар амалга оширилиши мумкинлиги асослантирилган;

тарафлар томонидан иш юритиш қўзғатилгандан сўнг низони медиация орқали ҳал этиш келишилган тақдирда, суд томонидан иш юритишнинг тўхтатилиши лозимлиги асослаб берилган;

иқтисодий судларга тааллуқли бўлган тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ишларни солиқ органлари ваколатига ўтказиш асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

процессуал қонунчиликда иқтисодий судларга тааллуқли бўлган ишларни тизимлаштириш зарурати асослантирилган;

ягона суд тизими негизида тааллуқлилиқ қоидалари ўрнига судловлилиқ қоидалари қўлланилиши лозимлиги асослантирилган;

иқтисодий судларга тааллуқли бўлган ишларнинг доирасини аниқлашда «иқтисодий талаб», «иқтисодий низо» ва «иқтисодий иш» тушунчаларининг фарқли жиҳатлари асослантирилган;

императив ва шартли тааллуқлилиқ турларининг фарқли жиҳатлари асослаб берилган;

ўзаро боғлиқ талабларнинг тааллуқлилигини аниқлаш ва ушбу талабларни кўриб чиқишнинг процессуал механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг процессуал хусусиятлари таҳлил қилинган;

тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ишларни солиқ органлари ваколатига ўтказиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

тааллуқлилиқка оид процессуал нормалар такомиллаштирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотнинг ижтимоий сўров ўтказиш шаклига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган. Бундан ташқари, тадқиқот ишида муаллиф томонидан 2018 йил август ойида Навоий вилояти иқтисодий судида, 2019 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Олий судида амалга оширилган стажировка давомида олинган амалиёт материалларидан фойдаланилган. Тадқиқот натижалари 2019 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчилари ҳамда Тошкент вилояти Зангиота туманлараро иқтисодий суди ходимлари ўртасида синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан илмий тадқиқот фаолиятида, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланишда, тегишли процессуал қонунчилик нормаларини шарҳлашда кўринади. Амалий аҳамияти «Иқтисодий процессуал ҳуқуқи», «Иқтисодий ишлар бўйича процессуал ҳужжатлар» модулларини ишлаб чиқишда фойдаланилган ва юриспруденция йўналишига ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув жараёнида қўлланилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги (назарий-ҳуқуқий ва процессуал жиҳатлари)» тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни, шунингдек, чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишларни иқтисодий судларга тааллуқли ишлар сифатида киритиш таклифи 2018 йил 24 январда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 25-моддаси биринчи қисмига 4 ва 6-бандлар сифатида киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 3 июндаги 08/УМ-343-19-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни, чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишларни иқтисодий судларга тааллуқли бўлган бошқа иш тоифадаги ишлардан фарқлаш имкониятини беради ҳамда ушбу тоифадаги ишларни ўзига хос процессуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиш ва ҳал этишга хизмат қилган;

фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришда медиация тартиб-таомилини қўллаш тарафларнинг ёзма келишувига асосан суд ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар амалга оширилиши мумкинлиги, шунингдек суд ушбу ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туриши лозимлиги тўғрисидаги таклифлари

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ–531-сон қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 44-моддаси тўртинчи қисмига, 116-моддаси 6-бандига, 166-моддаси тўртинчи қисмига, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 101-моддаси 6-бандига ва 131-моддаси учинчи қисмига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 13 июндаги 3/34-5/3442-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг қабул қилинганлиги низоларни медиация орқали ҳал этишнинг процессуал механизмини қўллаш имконини беради;

иқтисодий судларга тааллуқли бўлган тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ишларни солиқ органлари ваколатига ўтказиш таклифи 2019 йил 30 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритилган. Жумладан, ушбу Кодекснинг 123-моддаси олтинчи қисмида тан олинган солиқ қарзини солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарорига биноан солиқ қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мулки ҳисобидан ундириш мумкинлиги мустаҳкамланди (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 14 мартдаги 08/УМ-170-19-сон, 2020 йил 31 январдаги 08/УМ-54-20-сон; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 17 апрелдаги 4/22-5/1542-сон, 2020 йил 31 январдаги 4/23-5/397-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2020 йил 4 февралдаги 04/1-02-303бх-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги натижасида тан олинган солиқ қарздорлигини ундириш механизмларини такомиллаштиришга, низосиз ишларнинг иқтисодий судлар тааллуқлилигидан чиқарилишига, судьялар ва суд ходимларининг, давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг иш вақти мақбуллаштирилишига, солиқ тўловчиларнинг вақти ва маблағи тежалишига эришиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, 1 та монография, диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган ОАК нашрларида 8 та илмий мақола (2 та хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Тааллуқлилик институтининг назарий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида тааллуқлилик тушунчаси ва унинг бошқа ҳуқуқий категориялар билан ўзаро нисбати, тааллуқлилик турлари ва ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий процессуал ҳуқуқида тааллуқлилик институтининг ривожланиши ўрганилган.

Ш.Ш.Шорахметов, М.М.Мамасиддиқов, П.В.Бахарев, И.Л.Бурова, С.В.Никитина, Е.В.Норкина каби бир гуруҳ олимларнинг тааллуқлилик тушунчасига берган таърифлари ўрганилиб, ушбу тушунчага нисбатан ягона илмий ёндашув, ҳуқуқий таърифнинг мавжуд эмаслиги, ишлаб чиқилган таърифларнинг аксарияти фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида шаклланганлиги уни бошқа процессуал ҳуқуқ соҳасида, жумладан, иқтисодий процессуал ҳуқуқида кенг қўллаш имконини бермаслиги ёхуд бир хилда қўлланилишига олиб келиши тўғрисида хулосага келинган.

Ўз навбатида, айрим олимлар томонидан ушбу институтнинг компетенция, юрисдикция ва судловлилик институтлари билан айнанлиги қайд этилган. Диссертант томонидан тааллуқлилик – компетенция, юрисдикция ва судловлилик каби ҳуқуқий категориялар билан таҳлил қилиниб, ушбу категориялар ўзаро алоқадор бўлиши билан бир вақтда, ўзининг ҳуқуқий табиати, моҳиятига кўра фарқ қилиши тўғрисида хулосага келинган.

Тааллуқлилик у қаратилган объект – «арз қилинаётган талаб», «низо», «иш» билан тавсифланишини инобатга олиб, муаллиф «судга тааллуқлилик» термини юридик адабиётларда ва процессуал қонунчиликда нотўғри қўлланилганлигини қайд этади ва ушбу термин ўрнига «иқтисодий ишларнинг тааллуқлилиги», «фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги», «маъмурий ишларнинг тааллуқлилиги» каби терминларни қўллашни мақсадга мувофиқ ҳисоблайди.

Диссертант томонидан тааллуқлилик ва судловлилик институтининг фарқли жиҳатлари ушбу институтлар қоидаларига риоя қилмасликнинг процессуал ҳуқуқий оқибатларига кўра асослантирилди.

Ягона суд тизимига кирувчи судлар ўртасида арз қилинган талаблар айнан қайси суд ваколатига тегишли эканлигини аниқлашда «тааллуқлилик институти»ни эмас, балки «судловлилик институти» ва «судловлилик қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари»нинг айрим қоидаларини қўллаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди.

Чунки тааллуқлилик институти суд ҳокимиятининг икки мустақил олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди фаолият юритган даврда, ушбу суд тизимлари органлари ўртасида: биринчидан, арз қилинган талабларнинг қайси судга тааллуқлилигини; иккинчидан, ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талабларнинг умумий юрисдикция ёхуд иқтисодий судларга тааллуқлилигини белгилаб берган.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Ваҳоланки, ягона суд тизими ҳақида гап кетар экан, арз қилинаётган талабнинг тааллуқли эмаслигини асос қилиб муайян суд томонидан аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатиш мақсадга мувофиқ эмас.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 44-моддасига асосан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун билан берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда компетентли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларни самарали тиклаш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган.

Бу борада айрим хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, диссертант томонидан процессуал қонунчиликда Ўзбекистон Республикасида судлар ўртасида судловлилик тўғрисида низоларга йўл қўйилмаслигини алоҳида мустаҳкамлаш, судлар ўртасида ишларнинг тааллуқлилигини аниқлашда судловлилик қоидаларини қўллаб даъво аризасини қайтариш, ишни бир суддан бошқасига ўтказиш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилди. Ушбу таклифлар синовдан ўтказилиб, респондентларнинг 85 % овози билан маъқулланди.

Ўз навбатида, арз қилинган талабларнинг суд ва бошқа органлар ўртасида айнан қайси орган ваколатига тегишли эканлигини аниқлашда тааллуқлилик институти қўлланилаверади.

Ушбу боб доирасида тааллуқлилик турларининг фарқли жихатлари таҳлил қилиниб, императив тааллуқлилик тури билан бир қаторда шартли тааллуқлилик тури мавжудлиги асослантирилди. Хусусан, низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби шартли тааллуқлиликнинг мустақил тури сифатида эътироф этилди.

Императив тааллуқлилик: биринчидан, муайян тоифадаги иқтисодий ишнинг бир нечта юрисдикциявий органлар томонидан кўриб чиқилиши; иккинчидан, қонун билан ишни кўриш ваколатига эга бўлган органлар кетма-кетлигининг белгиланганлиги; учинчидан, иш иқтисодий суд томонидан кўрилгунга қадар, одатда, маъмурий орган томонидан кўрилиши лозимлиги билан характерланади. Низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби императив тааллуқлиликдан фарқли равишда қонун ёки шартнома билан белгиланади, бунда низоларни ҳал қилиш юрисдикцион органларга эмас, балки тарафларнинг ўзига юклатилади. Бундан ташқари, низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя қилмаслик ўзига хос ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Иқтисодий процессуал ҳуқуқда тааллуқлилик институтининг ривожланиши диссертант томонидан шартли равишда 3 та босқичга бўлинди:

а) биринчи босқич – ҳакамлик (арбитраж) судлари фаолият юритган 1991-1993 йиллар, яъни «government to government» (G2G) даври. Бу даврда ҳакамлик судлари, асосан, давлат ёки жамоа мулкчилиги шаклидаги субъектлар ўртасидаги низоларга «арбитрлик» қилиш вазифасини бажарган;

б) иккинчи босқич – хўжалик судлари фаолият кўрсатган 1993-2017 йиллар, яъни «government to business» (G2B) даври. Бу давр хўжалик субъектларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар, суд олдида тенг бўлишини таъминлашга, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат органлари томонидан бузилишига нисбатан суд орқали ҳимоя тизими яратилишига хизмат қилган;

в) учинчи босқич – иқтисодий ва маъмурий судлар ташкил этилган 2017 йилдан ҳозирги вақтга қадар, яъни «business to business» (B2B) даври. Ушбу даврда хўжалик судлари иқтисодий судларга айлантирилди, маъмурий судлар ташкил этилди, бу эса, ўз навбатида, иқтисодий судларни, биринчи навбатда, ўзаро тенг бўлган тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий низоларни холис кўриб чиқиб, қонуний ҳал қилишга қаратилган мустақил суд органига айлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Диссертациянинг «**Иқтисодий судларга тааллуқли иқтисодий низолар**» деб номланган иккинчи бобида иқтисодий судларга тааллуқли низоларнинг ҳуқуқий табиати, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низоларнинг хусусиятлари ҳамда маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низоларнинг тавсифи ўрганилган.

Диссертант томонидан иқтисодий судларга тааллуқли ишларнинг барчаси шартли равишда икки гуруҳга: низоли ва низосиз иқтисодий талабларга бўлинади, деган хулосага келинди. Бунга асос: биринчидан, ишда иштирок этувчи шахслар муайян иқтисодий талаб билан иқтисодий судга мурожаат қилиши бўлса; иккинчидан, ушбу атама низоли ва низосиз иқтисодий талабларнинг иқтисодий судларга тааллуқлилигини ифодалаш имконини бериши ҳисобланади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг (кейинги ўринларда – ИПК) 25-моддасида назарда тутилган юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар, банкротлик тўғрисидаги ишлар, ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар, корпоратив низолар бўйича ишлар, чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишларнинг асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муайян иқтисодий талаб ётади.

Шунга кўра ИПКнинг 25-моддаси биринчи қисмида иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган иқтисодий ишлар, 25-моддасининг биринчи қисми 1-банди ва 26-моддасида эса улар томонидан кўриб чиқиладиган иқтисодий низолар белгиланган, деб ҳисоблаш мумкин.

Иқтисодий низонинг ҳуқуқий табиати ва турлари, шунингдек юридик адабиётларда ушбу тушунчага берилган илмий таърифларни ўрганиш ҳамда

Россия, Беларусь ва Озарбайжон давлатларининг процессуал қонунчилигини таҳлил қилиш асосида иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги деганда юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар ўртасида шартнома тузиш жараёнида ёки шартнома шартлари бажарилмаганда ёхуд шартнома билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги низоли иқтисодий талабларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш қонун ҳужжатлари билан қайси давлат ҳокимияти органи ёки мансабдор шахси ёхуд шартнома асосида нодавлат орган (ҳакамлик суди, халқаро арбитраж суди, медиатор) ваколатига берилганлиги тушунилади.

Диссертант томонидан ушбу боб доирасида иқтисодий судларга тааллуқли бўлган ишлар доираси тадқиқ қилиниб, тааллуқлиликка оид иқтисодий процессуал нормаларни тизимлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. ИПКнинг 17-бобида мустаҳкамланган суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишлар иқтисодий судларга тааллуқли бўлган ишларнинг алоҳида тоифаси эканлиги, 30-бобида белгиланган йўқолган суд ишини ва ижро ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги ишлар алоҳида тартибда юритиладиган ишларнинг мустақил тури бўлиб ҳисобланиши асослантирилди.

Суд амалиёти ва статистик маълумотлар таҳлили фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низоларнинг бошқа турдаги низолардан энг асосий фарқли хусусияти – бу уларнинг барқарор равишда иқтисодий судларга тааллуқлилигини кўрсатади. Хусусан, 2016 йилда иқтисодий судлар томонидан биринчи инстанцияда кўриб чиқилган жами ишларнинг 50,0 фоизини (168 343 та иш), 2018 йилда эса 49,0 фоизини (197 991 та иш) айнан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича ишлар ташкил қилган¹. Айнан шунинг учун ҳам ушбу турдаги иқтисодий низоларнинг бошқа судларга тааллуқлилиги ёки уларнинг ваколатига ўтказиш лозимлиги бўйича мунозаралар деярли учрамайди.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низолар, асосан, давлат бошқаруви органи томонидан ўзига юклатилган маъмурий-бошқарув ёки ижро этувчи функциянинг иқтисодий муносабат иштирокчисига нисбатан қўлланилиши натижасида вужудга келади.

Диссертант томонидан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низо ҳисобланмаслиги асослантирилиб, ушбу тоифадаги ишларни иқтисодий судлар ваколатидан маъмурий судлар ваколатига ўтказиш таклифи илгари сурилди. Чунки ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар соф маънода маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқади ҳамда ушбу тоифадаги ишларда бир тараф сифатида, албатта, назорат функциясини амалга оширувчи давлат органи туради. Ушбу орган ўз назорат вазифаларини амалга оширишда муайян

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 11 июндаги 07/19-128-сон маълумотномаси.

қонун бузилиш ҳолатини аниқласа ва бунинг учун тадбиркорлик субъектига муайян чора кўриш учун асос мавжуд деб топса, судга мурожаат қилади.

Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни иқтисодий судлар ваколатидан маъмурий судлар ваколатига ўтказиш таклифини маъмурий суд ходимлари 70 % овоз билан қўллаб-қувватлаган, иқтисодий суд ходимлари эса ушбу таклифни 88 % овоз билан қарши овоз берган. Диссертантнинг таъкидлашича, ҳуқуқий таъсир чораларини айнан маъмурий судлар томонидан қўлланилиши тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Маъмурий суд давлат органларининг ўз ваколати доирасида ҳаракат қилган ёки қилмаганлигини белгилаб беради ва бу соҳада ихтисослашган суд ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашдан асосий мақсад тадбиркорни жазолаш эмас, балки уни давлат органларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишдир.

Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ишларни ИПКнинг 25-моддаси биринчи қисми 1-бандида назарда тутилган бошқа ҳуқуқий муносабатлардан, яъни солиқ ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низолар тоифасига киритиш мумкин. Иқтисодий процессуал қонунчиликка мувофиқ ушбу тоифадаги ишлар даъво ва буйруқ тартибида кўриб чиқилиши мустаҳкамланган. Иқтисодий судлар томонидан буйруқ тартибида 2018 йилда жами 18 556 та иш кўрилган бўлса, шулардан тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ишлар кўрсаткичи 9 210 тани ташкил қилган. Ушбу статистик маълумотлар таҳлили 2018 йилда иқтисодий судлар томонидан буйруқ тартибида кўрилган ишларнинг қарийб 50 % ни тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ишлар ташкил қилганлигини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, иқтисодий судларни формал тусга эга бўлган низосиз ишлардан озод қилиш, уларнинг иш юкламаларини камайтириш заруриятини келтириб чиқаради.

Диссертант томонидан АҚШ, Швеция, Швецария, Хитой, Россия, Беларусь, Қозоғистон ва Озарбайжон каби хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, ушбу тоифадаги ишларни иқтисодий судлар ваколатидан солиқ органлари ваколатига ўтказилиши лозимлиги асослантирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва ИПКга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертантнинг фикрича, бозор муносабатлари ривожлангани сари иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги масаласида икки хил тенденция ривожланиб боради. Биринчидан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низолар доираси борган сари кенгайиб бораверади, иккинчидан, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низолар доираси эса ушбу ишларни кўриб чиқиш давлат бошқаруви органининг ўзига ёки маъмурий судларга ўтказилиши ҳисобига камайиб боради.

Диссертациянинг «**Иқтисодий низоларнинг тааллуқлилигини белгилашнинг процессуал жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида иқтисодий

низоларнинг тааллуқлилигини белгилаш мезонлари, ўзаро боғлиқ бирлаштирилган талабларга нисбатан тааллуқлилик қоидаларини қўллаш муаммолари ва такомиллаштириш истиқболлари, иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари тадқиқ қилинган.

М.М.Мамасиддиқов, Ф.Б.Ибротова, Д.Ю.Хабибуллаев, Ю.А.Борзенко, Е.Н.Кузнецов, И.И.Стрелкова, В.В.Эфимова каби бир гуруҳ олимларнинг тааллуқлиликни белгилаш мезонлари хусусидаги илмий қарашлари умумлаштирилиб, иқтисодий ишларнинг тааллуқлилиги арз қилинаётган талабнинг мазмуни, низонинг характери; ҳуқуқий муносабат тури, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг субъектив таркиби ва фаолияти, ҳуқуқнинг низоли ва низосиз эканлиги, тарафлар ўртасида шартнома (келишув)нинг мавжудлиги каби мезонлар билан белгиланади деган хулосага келинди.

Тарафлар ўртасида шартнома (келишув)нинг мавжудлиги мезони бўйича фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришда медиация тартиб-таомилини қўллаш тарафларнинг ёзма келишувига асосан суд ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар амалга оширилиши мумкинлиги, шунингдек тарафлар томонидан иш юритиш қўзғатилгандан сўнг низони медиация орқали ҳал этиш келишилган тақдирда, суд томонидан иш юритишнинг тўхтатилиши лозимлиги асослаб берилди.

Диссертант томонидан ўзаро боғлиқ бирлаштирилган талабларга нисбатан тааллуқлилик қоидаларини қўллаш муаммолари сифатида: биринчидан, процессуал қонунчиликда ўзаро боғлиқ талаблар деганда айнан қандай талаблар назарда тутилиши мустаҳкамланмаганлиги; иккинчидан, унинг процессуал хусусиятлари бўйича илмий қарашларнинг мавжуд эмаслиги; учинчидан, ўзаро боғлиқ бўлган талабларни бирлаштириш бўйича процессуал механизмнинг мавжуд эмаслиги; тўртинчидан, ўзаро боғлиқ талаблар бирлаштирилган тақдирда ушбу талаблар айнан қайси процессуал қонунчилик нормалари асосида кўриб чиқилиши белгиланмаганлиги; бешинчидан, ушбу талабларни кўришда хорижий инвесторларнинг манфаатлари ҳисобга олинмаганлиги; олтинчидан, бир вақтнинг ўзида фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларга тааллуқли бўлган ўзаро боғлиқ талабларни кўришнинг процессуал тартиби белгиланмаганлиги каби муаммолар қайд қилинди. Бу борада айрим олимларнинг илмий қарашлари, шунингдек Қозоғистон, Озарбайжон, Молдова, Россия, Хитой, Япония каби давлатлар тажрибаси таҳлил қилиниб тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Биринчи боб доирасида ягона суд тизимида судлар ўртасида тааллуқлилик қоидалари ўрнига судловлилик қоидалари қўлланилиши лозимлиги тўғрисидаги хулосага таянилиб, муаллиф томонидан иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий процессуал қонунчиликка «Ўзаро боғлиқ бир нечта талабнинг судловлиги» қоидаларини белгилаб берувчи алоҳида нормани киритиш таклиф қилинди.

Ушбу боб доирасида тааллуқлилик қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари тааллуқлилик турлари ва ишни кўриш босқичига кўра фарқланиши асослантирилди. Иқтисодий суд томонидан низо (иш)нинг иқтисодий судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли ИПКнинг 154-моддаси 1-бандига асосан аризани қабул қилиш рад этилган ёки 110-моддаси 1-бандига асосан иш

юритиш тугатилган тақдирда, суд ажримда аризачининг қайси органга мурожаат қилиши кераклигини кўрсатиши шартлиги бўйича таклиф илгари сурилди.

ХУЛОСА

Мазкур диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар ишлаб чиқилди.

1. Тааллуқлилиқ, у қаратилган объект – «арз қилинаётган талаб», «низо», «иш» билан тавсифланишини инобатга олиб, юридик адабиётларда ва процессуал қонунчиликда қўлланилаётган «судга тааллуқлилиқ» терминини фойдаланишдан чиқариш ва ушбу термин ўрнига «иқтисодий ишларнинг тааллуқлилиги», «фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги», «маъмурий ишларнинг тааллуқлилиги» каби терминларни қўллаш таклиф этилди.

2. Ягона суд тизимига кирувчи судлар ўртасида арз қилинган талабларни айнан қайси суд ваколатига тегишли эканлигини аниқлашда «тааллуқлилиқ институти»ни эмас, балки «судловлилиқ институти» ва «судловлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари»нинг айрим қоидаларини қўллаш таклиф этилди.

3. Тааллуқлилиқ ва судловлилиқ – ушбу институтлар қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатларини таҳлил қилиш натижаларига кўра уларнинг қуйидаги фарқли жиҳатлари мавжудлиги аниқланди:

биринчидан, агар суд ишни қўзғатиш босқичида низонинг судга тааллуқли эмаслигини аниқласа, ИПКнинг 154-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этади. Низо шу суднинг судловига тегишли эмаслиги аниқланса, ИПКнинг 155-моддаси биринчи қисми 3-бандига асосан судья даъво аризасини қайтаради;

иккинчидан, иқтисодий иш қўзғатилгандан сўнг ушбу ишнинг иқтисодий судга тааллуқли эмаслиги аниқланса, ИПКнинг 110-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан иш юритиш тугатилади. Иш юритиш тугатилган тақдирда айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан судга такроран мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Тааллуқлилиқдан фарқли ўлароқ, суд томонидан судловга тегишлилик қоидаларига риоя этилган ҳолда ўз иш юритувига қабул қилиб олинган иш, гарчи кейинчалик бошқа суднинг судловига тегишли бўлиб қолса ҳам ўзи томонидан мазмунан кўрилиши керак. Агар иш судловга тегишлилик қоидаларини бузган ҳолда қабул қилинганлиги ишни шу судда кўриш чоғида маълум бўлса, суд ишни бошқа судга ўтказади;

учинчидан, тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда суд ишни кўриб ҳал қилув қарорини қабул қилган тақдирда, ушбу қарор юқори инстанция суди томонидан ИПКнинг 279-моддасига кўра, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги асос қилиниб бекор бўлишига олиб келади. ИПКнинг 39-моддасида Ўзбекистон

Республикасида иқтисодий судлар ўртасида судловга тегишлилик тўғрисида низоларга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамланган. Ушбу ҳолатда фақатгина юқори турувчи суд томонидан қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиши ва бартараф этилиши, кейинчалик суд фаолиятида ушбу қонун бузилиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида хусусий ажрим чиқарилиши мумкин;

